

ЎЗБЕКИСТОНДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМНИНГ АСОСЛАРИ

Махмудова М.М.

РАЗВИТИЕ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Махмудова М.М.

DEVELOPMENT OF SPECIALIZED MEDICAL CARE IN UZBEKISTAN

Makhmudova M.M.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Специализированная помощь являлся одним из приоритетных направлений в реформировании системы здравоохранения Узбекистана. С этой целью в республике созданы научно-медицинские центры, многопрофильные клиники, скрининговые и перинатальные центры, специализированные частные медицинские учреждения. Все это позволило использовать зарубежный опыт и внедрить в практику высокотехнологичные методы профилактики и лечения пациентов.

Ключевые слова: многопрофильные клиники, научно-практические медицинские центры, экстренная помощь, урология, микрохирургия глаз, скрининговая служба, УЗИ, МРТ, томограф.

Specialized assistance was one of the priorities in the reform of the health care system in Uzbekistan. To this end, scientific and medical centers, multi-disciplinary clinics, screening and perinatal centers, and specialized private medical institutions have been set up in the republic. All this made it possible to use foreign experience and introduce high-tech methods of patient prevention and treatment into practice.

Key words: multidisciplinary clinics, scientific and practical medical centers, emergency care, urology, eye microsurgery, screening service, ultrasound, MRI, tomograph.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бирламчи тиббий-санитария соҳасига эътибор кучайди. Натижада шошилинг тиббий ёрдам тизими қайта ташкил этилди. Кишлоқларда врачлик пунктлари ва шаҳарларда оиласирилган поликлиникалар фаолият кўрсата бошлади. Санитария-эпидемиология назорати тубдан янгиланди. Уларнинг моддий-техника ва кадрлар базасини кучайтиришга устувор йўналиш деб қарала бошланди [2].

Аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматни ташкил қилинда жамоат ва нодавлат ташкилотларининг филиаллари ва 100 дан ортиқ таянч муассасалари ёрдамида ногирон ва даволанишга муҳтож болаларни чет эл клиникаларига юбориш, кексаларни ҳамшираларнинг патронаж хизмати билан қамраб олиш, экологияси бузилган ва марказдан узоқда жойлашган худудларга юқори малакали мутахассислар ва дори-дармонлар билан таъминланган "Саломатлик" поездларини сафарбар этишини ташкил қилиш борасидаги ишлари таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистонда стационар касалхоналар ва улардаги ўринлар сонининг кескин камайиш ҳолатлари кузатилди [5].

1998-2010 йиллар орасида Республикада касалхоналар сони 1050 тадан 764 тага, яъни 27,5%, улардаги ўринлар сони 131.003 дан 126.747 тага, яъни 4256 тага камайган. Аҳолининг 10 минг нафарига ўринлар сони ҳам 53,5 дан 44,9 тага, яъни 12,8 фоизга қисқарган. Ўзбекистонда касалхоналардаги ўринлар сони камайиши билан бир вақтда хизмат кўрсатиш даражаси кўтарилиган ва беморларнинг даволаниш вақти қисқарган. Масалан, бу кўрсаткич 2001 йилдаги 18,3 кундан 2010 йилда 13,8 кунга камайган [1].

Аҳолига тиббий ёрдамнинг КБП ва поликлиникалар орқали кўрсатилишининг кенгайтирилиши жараёнида касалхоналар ва улардаги ўринлар сони камайиб борди. Масалан, 2010-2016 йиллар оралиғида касалхоналар сони 1158 тадан 1106 га, яъни 52 тага камайди. Ушбу камайиш тиббиёт ил-

мий-амалий марказлари ва уларнинг жойларда филиаллари ташкил этила бошлагандан кейин янада тезлашди [9].

2003 йилда жарроҳлик, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббиёт реабилитацияси, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология ҳамда эндокринология марказлари ташкил этилган эди. Марказларда фаолият кўрсататётган малакали кадрлар аҳолига юқори технологик усуллар ва тиббий жиҳозлар ёрдамида замонавий ёрдам бериш қобилиятига эга эдилар.

2007 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш ва уни ривоҷлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида" 3923-сонли Фармонни тасдиқлади. Фармоннинг бажарилиши жараёнида, 2007-2008 йилларда шаклланган тиббий мактаблар негизида Республикада 10 та ихтисослашган иммий-амалий марказлар ташкил этилди.

Ўзбекистонда шаклланатётган соғлиқни сақлаш тизимининг янги модули асосида юқори технологияли ва мураккаб операциялар факат пойтахтда эмас, балки вилоят марказларидаги даволаш муассасаларида ҳам амалга ошириладиган бўлди. Масалан, Намангандаги Урганчда туғма юрак хасталиги ташхиси ва даволаниши, клапанларни алмаштириш, электро-кардиостимулятор имплантация қилиш, эхокардиография усуллари амалиётга кенг жорий қилинганди. Нукус, Қарши, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Жиззахда юраги касал беморларни доимий мониторинг қилиш йўлга қўйилганди.

2007 йилда Ўзбекистонда қандли диабет билан оғриган барча беморларнинг рўйхати тузилганди. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Республикада қандли диабет касаллиги тарқалиши 5% ни ташкил қилиарди. Аммо беморларнинг ярмидан қўпи диспансер ҳисобида турмасдилар. 2010 йилда диспансерлар назоратида 127 минг 252 бемор бўлса, уларнинг 1183 нафари болалар ва 533 нафари ўсмирлар эди. Эндокрин беморларга ёрдам

ЎЗБЕКИСТОНДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМНИНГ АСОСЛАРИ

кўрсатиши учун 14 та диспансер, 496 махсус хона, жумладан болалар учун 189 хоналар ишлаб турарди.

2010 йил март ойида Тошкентдаги В. Воҳидов номидаги ихтинослаштирилган хирургия марказида Италияning Риунити клиникаси врачлари билан ҳамкорликда илк бор юракнинг аорта девори диспазицияси операцияси амалга оширилди. Шу марказда 2015 йил илк бор, юқори тиббий технологиялар кўлланилган энг мураккаб операциялардан бири — дорилар ёрдамида ухлатилган беморнинг уйку артериясида жарроҳлик операцияси ўтказилди [4].

2011 йил давомида Республика ихтинослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказларида жами 77945 нафар бемор даволаниб чиқди. Уларнинг 20062 нафари (26,7 %) давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли даволанган бўлса, 56550 нафари (73,3 фоизи) эса пуллик асосда даволанди. Марказлarda жами 22408 та операция ва диагностика муолажаси бажарилди, шундан 10664 таси (46 %) — юқори технологиялар асосида амалга оширилди. Операциялар сони 2010 йилга нисбатан 1752 тага, юқори технологиялар асосидаги операциялар эса — 914 тага кўп эди [3].

2013 йил 5 ноябряда Республика урологларининг 4-чи съезди бўлиб ўтди. Унда “Уролитиаз 20 йилда: муаммога янгича қараш (1993-2013)” мавзуси муҳокама қилинди [10]. Олимлар ва амалиёт шифокорларининг фикр алмашишлари касалликнинг ташхиси, профилактикаси ва даволанишидаги замонавий усуслар, хориж тажрибаси истиқболдаги ишларга улкан мадад бўлди. 2015 йил 30 сентябрда Миллий ахборот марказида Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Ўзбекистонда урология: эришилган ютуқлар ва устувор вазифалар” мавзусида анжуман ўтказилди. Республика урологлари Германия, Италия, АҚШ каби етакчи мамлакатларнинг мутахассислари даражасига кўтарилилар.

2016 йил октябрда Тошкентда миёда қон айланишининг бузилишини аниқлаш ва даволашда илм-фанда эришилган мэрралар, ишлаб чиқилган янги технологиилар, беморларга тез ташхис кўйиш ва даволаш усуслари, тиббий хизмат маданиятини ошириш масалалари кенг муҳокама қилинди. Ўзбекистондаги барча шошилинч ёрдам марказларида мия фаолияти бузилган беморларга ёрдам кўрсатиши шароитлари яратилган. Мазкур ўйналиш Тошкент тиббиёт академияси 2-сон клиникасида ривожлантирилган бўлиб, 7 минг беморга маслаҳат берилади ва 6 минг бемор стационар шароитда даволанади [7]. Янги технологиилар асосида 400 ортиқ беморлар операция қилинди. Амалиётда компьютер томографияси, ангиография усувларининг кўлланилиши диагностика ва даволаш ишларида катта самара бермоқда. Шу билан бир қаторда УАШ, кардиолог, невролог, хирург врачларнинг тажрибаси катта аҳамиятга эга.

2016 йилда Бутунжоҳон саломатлик куни — диабетга қарши кураш шиори остида ўтказилди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда диабет касаллигининг профилактикаси ва даволаниши тўғрисида аҳоли ўтасида тарғибот ишлари олиб борилди. Тошкентда эндокринология институти ва вилоятларда унинг филиаллари ишлаб турарди. Жойлардаги илгариги диспансер бинолари ўрнида замонавий ва янги жиҳозлар билан таъминланган шифохоналар тикланди. Тиббиёт ходимларининг сони кўпайиб, уларнинг малакаси ҳам ошиди [8].

Инсонлар саломатлигига таҳдид колаётган ўта хавфли касалликлар орасида ўсма (онкология) алоҳида ажralиб туради. Ушбу касалликка қарши курашнинг давлат сиёсати даражасидаги ягона тизими шаклланган: Республика ихтинослашган онкология илмий-амалий маркази, унинг 15 та вилоят ва шахар филиаллари, кўп тармоқли касалхоналарнинг 232 та хоналари ташкил қилинган. Замонавий жиҳозлар ва тажрибали мутахассислар билан таъминланган онкология хизмати ҳалқнинг саломатлигини сақлашда фаол иштирок қўлмоқда эди [6].

Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 28 январда Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Республика ихтинослашган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг филиали фаолияти билан яқиндан танишиди. “Мазкур тиббиёт муассаси негизида А.Н. Бакулов номидаги Россия юрак-томир хирургияси илмий-амалий марказининг филиали очилиши режалаштирилмоқда, — деди Президент. — Бу эса янги туғилган чақалоқларнинг юрагидаги нуқсонларни ташхис қилиш ва даволаш билан бир вақтда 3 мингдан ортиқ беморларга ихтинослаштирилган ёрдам кўрсатишига имкон беради. Ушбу клиника Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари аҳолиси учун ҳудудий кардиология маркази бўлади”[7]. 2017 йил 3 июнда филиал билан Россиянинг юрак-томир хирургияси илмий-амалий маркази ўтасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Мустақиллик берган имкониятдан фойдаланган офтальмологлар нуфузли илмий марказлар мутахассислари билан самарали алоқа қила бошладилар. Натижада таъжириба ўзлаштириш билан бир қаторда замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифати ошиди. Давлат муассасалари билан бир вақтда аҳолига хусусий клиникалар врачлари ҳам ёрдам кўрсата бошладилар. Улар орасида Россиянинг Федоров клиники, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Малайзия, Сингапур каби мамлакатларнинг кўз шифокорлари бор эди. Тошкент, Бухоро, Қарши ва Урганчда бўлимлари ишлаб турган “Шифо-нур”, Тошкентдаги “Кристалл” хусусий клиникалари айниқса ҳалқ орасида катта обрў қозонди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда жарроҳлик соҳалари, айниқса нейрохирургия яхши ривожланди. Бош мия ва умуртқаси жароҳатланган, айрим ҳолларда ушбу аъзоларида ўсма пайдо бўлган беморларга амалий тиббий ёрдам бериш имкониятлари пайдо бўлди. Қон-томир тизими ва асабдаги бузилишлар оқибатида келиб чиқадиган инсульт, периферия нерв тизимидағи касалликлар жарроҳлик усуслари билан даволана бошланди.

Тошкентдаги Республика ихтинослашган тиббий илмий-амалий нейрохирургия маркази диагностика учун магниторезонанс томографи (МРТ), компьютер рентген навигатор, лазер лапаризатори ва ультратратовуш деструктори каби ноёб жиҳозларга эга бўлди [13].

2017 йил 4 апрелда Республика Президенти “2017-2021 йилларда Ўзбекистонда онкология хизматини ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдамни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатга асосан мўлжалланган вазифаларни амалга оширишга давлат бюджетидан 32,5 миллиард сўм, ҳалқаро ташкилотларнинг кредит ва грантлари эвазига 144,1 миллион АҚШ доллари ҳажмида маблағ сарфлаш кўзланганди. Белгиланган ишларнинг амалга оширилиши касалларни ўсмага қарши дори воситалари билан таъминлашни 33% дан 90% га оширади. Беморларнинг юқори технологиилар билан даволаниши 70 фоизгача кўтарилади. Ҳар 100 минг аҳолига ўсма касалликлардан ўлиш кўрсаткичлари эса 38,7% дан 35,0% га пасайди [11].

Мустақиллик йилларида юрак-томир касалликларини профилактика даволаш ишлари билан шугулланадиган кардиология соҳасида ҳам яхши натижаларга эришилди. 2017 йил февралида Президент Ш.М. Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳрида очилиши мўлжалланган Республика кардиология ва эндокринология марказларининг филиаллари лойиҳалари билан танишиди. Ихтинослашган тиббиёт марказларининг пойтактдан узоқ ҳудудларда ҳам очилиши аҳолининг юқори малакали тиббий хизмат олиш имкониятларини кенгайтиrdi.

В помощь практикескому врачу

2017 йил 20 июнда Республика Президенти "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Қарорда кейинги 5 йилда Республика ихтисослаштирилган тиббий илмий-амалий марказларида 150 мингта жарроҳлик операциялари ўтказилган бўлиб, уларнинг 80 мингтида юқори технологиялар кўлланилди [12], дейилган. Шу билан бир қаторда ҳар йили 40 мингдан ортиқ фуқароларимиз хориж клиникаларида даволанаётганини ҳам қайд қилиш лозим.

Юқоридаги маълумотлар ихтисослашган тиббий хизматнинг соғлиқни сақлашнинг бошқа соҳалари каби илмий марказлар ва хориж мутахассислари билан алоқалар негизида ривожланганини кўрсатади. Кўплаб мураккаб операциялар вилоят ва туман муассасаларида амалга ошириладиган бўлди. Даволаш муассасаларининг кўп тармоқли ва ихтисослашганлиги, яхши жиҳозланган ва малакали мутахассислар билан таъминлаганлиги аҳолига юқори технологиялар асосида малакали хизмат кўрсатиш учун мустаҳкам замин яратди.

Адабиётлар

1. Асадов, Д.А. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т. 8. — Тошкент, 2004. – Б. 553.
2. Ибрагимов, А.Ю. и др. Основные направления реформирования здравоохранения в Республике Узбекистан / Д.А. Асадов, П.Р. Менликулов // За рубежом. 2012. – № 1. – С. 57.
3. Ислом Каримовнинг "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги боскичга кўттарадиган йил бўлади" номли маъruzасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланмаси. — Тошкент: Иқтисодиёт, 2012. – 142 б.; Ўзбекистон Республикасининг Шошилинч тиббий ёрдам хизмати (РШТЭХ) сайти, 2017 йил.
4. Мамлакатимиз шифокорлари беморнинг уйку arterиясидаги операциясини наркозсиз амалга оширидилар // www.minzdrav.uz.
5. Отажонов, Р. Ҳазорасп тумани соғлиқни сақлаш тарихидан. —

Урганч: Хоразм, 1999. – Б. 26.

6. Онкология хизмати муассасаларини ислоҳ қилиш бошланди // www.Uzbekistan.today.uz.

7. Тиббиётнинг ютуғи ва инсон саломатлиги // www.aza.uz. 2016.й.12 октябрь

8. Ҳалқ билан мулоқот — инсон манфаатларини таъминлашнинг энг самарали усули // www.press-service.uz.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазиригининг статистик материаллари, 2017 й 1 январь.

10. Ўзбекистон урологлари илмий жамиятининг IV-съезд // www.urology.uz. 5 ноябрь 11. Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 4 апрелдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистонда онкология хизматини ривожлантириш ва ахолига онкология ёрдамни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида" қарори // www.Press-service.uz. 2017 й 8 апрель.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июня даги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори // www.press-service.uz.

13. Ўзбекистон етакчилар қаторида учинчи // www.Uzbekistan Today.uz.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМНИНГ АСОСЛАРИ

Махмудова М.М.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларида бири ихтисослаштирилган тиббий хизматни ташкил этиши мақсадида илмий-амалий марказлар, кўп тармоқли клиникалар, скрининг ва перинитал марказларнинг ташкил этилиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда юқори технологиялар ва хориж тажрибаларини қўллашга замин яратди.

Калим сўзлар: кўп тармоқли клиника, илмий-амалий марказлар, урология, кўз микрохирургияси, скрининг хизмати, шошилинч ёрдам.